

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 278-ҳадис

278 - وَعَنْ مُصْعَبِ بْنِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: رَأَى سَعْدٌ أَنَّ لَهُ فَضْلًا عَلَى مَنْ دُونَهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هَلْ تَنْصُرُونَ وَتَتْرَفُونَ إِلَّا بِضُعْفَائِكُمْ؟!» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ هَكَذَا مُرْسَلًا؛ فَإِنَّ مُصْعَبَ ابْنَ سَعْدٍ تَابِعِيٌّ.

وَرَوَاهُ الْحَافِظُ أَبُو بَكْرٍ الْبَرْقَانِيُّ فِي «صَحِيحِهِ» مُتَّصِلًا عَنْ مُصْعَبٍ عَنْ أَبِيهِ.

278. Мусъаб ибн Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Саъд розияллоҳу анҳу ўзида бошқалардан устун фазл бор, деб ўйлади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларга фақат заифларингиз сабабли нусрат ва ризқ берилади!»** дедилар».

Имом Бухорий мана шундай мурсал ҳолда ривоят қилганлар. Чунки Мусъаб ибн Саъд тобеъинлардан эди. Лекин ҳофиз Абу Бакр Барқоний «Саҳиҳ»ида бу санадни Мусъабни отасидан қилган санаб билан ривоят қилди.

Шарҳ: Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу биринчилардан бўлиб иймон келтирган. У жасур ва паҳлавон бўлиб, камон отишда ҳам моҳир бўлган. Ривоятда айтилишича, Мусъаб розияллоҳу анҳунинг оталари Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу заифҳол кишидан кўра ўзларини фазлли, деб юрар эканлар. Саъднинг хато фикри борлигидан хабар топган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таълим ва одоб бериш мақсадида: **“Сизларга фақат заифларингиз сабабли нусрат ва ризқ берилади!”** деганлар.

Бу ерда “заиф” деганда мусулмонлар орасидаги заиф тоифалар – болалар,

қариялар, аёллар, беморлар, ногиронлар, моддий жиҳатдан қийналган бечораҳол кишилар, мискинлар ва шу кабилар назарда тутилмоқда. Яъни: «Эй Саъд, ўзингни бошқалардан устунман, деб ўйлама! Сен ва бошқа кучли жангчилар иштирок этган ғазотлардаги ғалабаларга фақат сизлар сабабчи бўлганингиз йўқ. Балки мана шу заиф тоифа вакилларининг дуолари ва ихлос билан қилган ибодатлари сабаб Аллоҳ сизларга душманларингиз устидан нусрат беради ва ризқингизни етказди».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу билан Саъдга розияллоҳу анҳу камтар бўлиш ва ўзини катта олмаслик лозимлигини таълим бердилар.

Ибн Баттол айтади: “Заифлар дуода ихлосли, қалблари дунё ҳою ҳаваслари ва зийнатларидан узоқ бўлгани учун ибодатда хушўли бўладилар. Шу сабаб Аллоҳ уларнинг дуою ибодатлари сабабидан мусулмонларга нусрат ва ризқ беради”.

Демак, сиртдан заифҳол бўлиб кўринган кишиларга паст назар билан қарамаслик керак экан. Балки уларга ҳурмат ва эҳтиром билан назар қилиш керак.

Манба: hadis.islom.uz

